

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЧАКАНА КРЕДИТЛАШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Назарова Ч.Б.,

*Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси
Тошкент, Ўзбекистон*

RETAIL LENDING IN COMMERCIAL BANKS: FOREIGN EXPERIENCE, PROBLEMS AND SOLUTIONS

Nazarova Ch.B.,

*Independent researcher of the Tashkent Institute of Finance
Tashkent, Uzbekistan*

JEL classification: M4, M42

Аннотация. Жаҳонда тижорат банклари томонидан чакана кредитлашни сифатини ошириш, чакана кредитлаш механизмларини замонавийлаштириш, чакана кредитлашда инновацияларни қўллаш, кредитлаш самарадорлигини кўтаришга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк миқозларини кредитга лаёқатлилигини аниқлашда замонавий моделлардан фойдаланиш, кредит-скоринг усулини жорий этиш орқали кредитлаш имкониятларини ошириш ва муаммоли кредитларни пасайтириш, чакана кредитлар бўйича муддати ўтган суммалар пайдо бўлганда қарз олувчи банкка муддати ўтказиб юборилган тўловлар бўйича жарима тўлаш, чакана кредитларнинг фоиз ставкалари аниқланишини халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган усуллардан фойдаланиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Abstract. In the world, commercial banks pay special attention to scientific research aimed at improving the quality of retail lending, modernizing retail lending mechanisms, applying innovations in retail

lending, and increasing lending efficiency. Scientific research is being carried out in such areas as the use of modern models in determining the creditworthiness of bank customers, the introduction of the credit-scoring method to increase lending opportunities and the reduction of problem loans, the payment of fines to the borrower bank for overdue payments when overdue amounts appear on retail loans, and the use of methods widely used in international practice to determine the interest rates of retail loans.

Калити сўзлар: банк кредитлари, чакана кредит, муаммоли кредитлар, банк активлари, кредит таъминоти, истеъмол кредити, уй-жой кредити, ипотека кредити, автокредит, гаров, кафолат, кафиллик, сугурта полиси.

Keywords: bank loans, retail credit, problem loans, bank assets, credit provision, consumer credit, home loan, mortgage loan, auto loan, pledge, guarantee, surety, insurance policy.

Кириш. Иқтисодий адабиётларда ва тадқиқ қилинган илмий изланишларда тижорат банкларида чакана кредитлашни ташкил этишининг назарий ва амалий

жиҳатлари кенг таҳлил қилинган. Хусусан, соҳа мутахассислари кредит ва кредитлаш, чакана кредитлаш, кредит механизми каби масалаларни назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилишган. Халқаро амалиётда чакана кредитлар "retail credit", "personal loan", "private credit" иборалари билан изоҳланади.

Бироқ, иқтисодий ишланмаларда, илмий нашрларда, норматив ҳужжатларда, оммавий ахборот воситаларида "банк хизмати", "чакана банк хизматлари", "чакана кредит", "чакана банк бизнеси", "банкларнинг кредитлаш самарадорлиги", "кредит маҳсулотлари" каби соҳага оид терминлар ишлатилсада, ҳануз уларнинг иқтисодий моҳияти тўлиқ ўрганилмаган.

Материал ва метод. Orazio Attanasio, Britta Augsburg, Ralph De Haas, Emla Fitzsimons, Heike Harmgartлар ўзларининг изланишларида "Жисмоний шахсларга кредитларни берилиши кишлоқ жойларда оилавий бизнесни очиш эҳтимоли юкорилиги ҳақида далиллар олган. Бундан ташқари, улар томонидан кредит олган кишлоқдаги олий маълумотли бўлмаган аёллар ўртасида истеъмолни оширганлигига гувоҳ бўлганлар". [1] Ушбу гуруҳ олимлар жисмоний шахсларни кредитлаш бўйича тадқиқот натижаларига асосланган. Бунда жисмоний шахсларга бериладиган тадбиркорлик кредитлари ва истеъмол кредитлари ҳақида фикр юритилган. Фикримизча, чакана кредитлар фақатгина тадбиркорлик ва истеъмол кредитидан иборат эмас, хусусан, ипотека, овердрафт ва микрокредитлар назардан четда қолган.

Шунингдек, яна бир хорижлик иқтисодчи Н.В.Мордвинцева чакана банк хизматларини «банклар фаолиятида чакана бизнес деганда банк фаолиятини ривожлантиришнинг мустақил,

истикболли йўналиши тушунилишини, унинг мақсади бўлиб эса аҳолининг кўп қисмига банклар томонидан хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотларни сотиш ҳисобланади» деб ҳисоблайди. [2] Ҳақиқатдан ҳам, муаллиф чакана банк хизматларини банк бизнеси билан боғлаб тадқиқот қилишни афзал билади. Аҳоли ва мижозларнинг молиявий саводхонлиги ошиб бораётган бир пайтда мазкур фикрлар ўринли. Чакана банк хизматларини алоҳида банк бизнеси сифатида таърифлагани айниқса таҳсинга сазовордир. Чунки аҳолининг банк хизматларига бўлган талабининг ошиши ҳамда ундан фойдаланиш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда.

Л.В.Татаринованинг фикрига кўра, «Чакана банк бизнесининг корпоратив бизнесдан ажралиб турадиган хусусияти индивидуал, шахсий муносабатларни ўрнатиш ва "мижоз-менежер" концепциясини амалга оширишдир». [3] Муаллиф чакана банк хизматларининг хусусиятларини мижозлар таркиби бўйича таҳлил этган ва кўпроқ индивидуалликка асосланган. Хусусий тижорат банклари, мижозлари сони унчалик кўп бўлмаган тижорат банклари учун муаллифнинг қарашлари тўғри, аммо йирик, мижозлар сони кўп бўлган тижорат банкларида банк ва мижоз ўртасида шахсий муносабатларни ўрнатишнинг имкони мавжуд эмас. Қолаверса, рақамли иқтисодиётда банк ва мижознинг шахсий муносабатлари аҳамиятга эга эмас, яъни банк ва мижоз банк иловалари орқали иқтисодий муносабатларга киришганда бир-бирини танимайди ҳамда чакана хизмат кўрсатишнинг умумий шартлари билан чекланади. Шу боис, фикримизча мазкур таърифни барча банкларга қўллаш имконияти мавжуд эмас.

А.С.Гончарук «Чакана банк хизматлари – бу аҳолига тижорат билан боғлиқ бўлмаган шахсий, оилавий эҳтиёжларини қондириш учун стандартлаштирилган банк маҳсулотларига асосланган хизматдир» [4] дея таърифлайди. Бунда муаллиф чакана хизматларга бир томонлама ёндашганлигини кўришимиз мумкин. Чакана хизматларга асосан жисмоний шахслар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатиладиган хизматларни бирламчи сифатида талқин этади, ваҳоланки ҳозирги пайтда жисмоний шахсларга кўрсатиладиган чакана хизматлар сони ва шакли кўпайиб бормоқда. Бунда микролизинг, микрокредит, микроқарзлар каби банк хизматлари назардан четда қолади. Қолаверса, чакана банк хизматларига таъриф берганда банкнинг воситачилик, замонавий банк хизматларини инобатга олмаганлигини кўришимиз мумкин, бу эса рақамли иқтисодиёт шароитида ва жадаллик билан ривожланаётган инновацион хизматлар кўрсатишда муҳимдир.

Натижалар. Франция банклари мамлакат молия тизимининг муҳим қисми бўлиб, улар миллий ва халқаро иқтисодиётда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Франция банк тизими жуда ривожланган ва мураккаб бўлиб, унда бир нечта йирик банклар, шунингдек, бир қатор кичик минтақавий ва маҳаллий банклар фаолият юритади.

BNP Paribas жисмоний шахсларга шахсий эҳтиёжларини молиялаштиришга ёрдам бериш учун турли хил кредит карталари ва кредитларини таклиф этади. Улар шахсий кредитлар: уйни ободонлаштириш, жорий қарзларни тўлаш ва қўтилмаган харажатлар каби бир қатор мақсадлар учун шахсий кредитларни таклиф қилади. Ушбу

кредитлар қатъий фоиз ставкалари ва қатъий тўлов шартларига эга. Шахсий кредитлар бўйича фоиз ставкалари қарз миқдори, кредит муддати ва қарз олувчининг кредит тарихи каби омилларга қараб 3,5 фоиздан 8 фоизгача бўлиши мумкин.

Автомобиль учун кредитлари: шунингдек, янги ёки фойдаланилган автомобиль сотиб олмоқчи бўлган шахслар учун автокредитларни таклиф қилади. Ушбу кредитлар рақобатбардош фоиз ставкаларига ва мослашувчан тўлов шартларига эга бўлиб, автомобиль сотиб олиш нархининг 100 фоизгача молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин. Автомобиль кредитлари бўйича фоиз ставкалари транспорт воситасининг йили ва ҳолатига, дастлабки тўлов миқдорига ва қарз олувчининг кредит қобилиятига қараб ўзгариши мумкин. 2023 йилга келиб, янги автокредитлар учун ставкалар 1,5 фоиздан 5 фоизгача, эски автомобиль кредитлари учун эса 3 фоиздан 8 фоизгача бўлиши мумкин.

Уйни ободонлаштириш кредитлари: ўз уйларини таъмирлаш ёки янгиламоқчи бўлган шахслар учун кредитлар беради. Ушбу кредитлар қатъий фоиз ставкалари ва белгиланган тўлов шартларига эга бўлиб, уй-жойларни яхшилаш бўйича кенг қўламли лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам ишлатилиши мумкин. Уй-жой ободонлаштириш кредитлари бўйича фоиз ставкалари, шунингдек, қарз миқдори, кредит муддати ва қарз олувчининг кредит қобилияти каби омилларга қараб фарқ қилиши мумкин. 2023 йилга келиб, уй-жойларни яхшилаш учун кредитлар бўйича фоиз ставкалари 2 фоиздан 8 фоизгача бўлиши мумкин.

Ипотека кредитлари: уй сотиб олмоқчи бўлган ёки мавжуд ипотекани

қайта молиялаштирмакчи бўлган шахслар учун бир қатор ипотека кредитларини таклиф этади. Ушбу кредитлар бир қатор фоиз ставкалари, жумладан, қатъий ва ўзгарувчан фоизли ипотека кредитлари билан бирга келади. Ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларига бир қанча омиллар, жумладан, кредит муддати, ипотека тури ва қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги таъсир кўрсатиши мумкин. 2022 йилга келиб, белгиланган фоизли ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари 1,5 фоиздан 3 фоизгача, ўзгарувчан фоизли ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари эса 1 фоиздан 2 фоизгача бўлиши мумкин.

Кредит карталари: жисмоний шахслар учун бир қатор кредит

карталарини тақдим этади, уларнинг ҳар бири ўз мукофот дастурлари ва имтиёзларига эга. Банкнинг кредит карталари Францияда ҳам, хорижда ҳам харидлар учун ишлатилиши мумкин. Фирибгарлик ва ўғрилиқдан ҳимояланиш учун турли хил хавфсизлик хусусиятлари билан таъминланган.

Овердрафт хизматлари: кутилмаган харажатларни қоплаш учун ва бироз қўшимча нақд пулга муҳтож бўлган шахслар учун овердрафт хизматларини таклиф қилади. Ушбу имкониятлар миқдорларга ўз ҳисобварақларидан олдиндан тасдиқланган лимитгача ҳисобда мавжуд бўлганидан кўра кўпроқ пул олиш имконини беради. Қарз олинган суммага фоизлар ундирилади.

1-жадвал.

BNP Paribasнинг жисмоний шахслар учун таклиф этаётган чакана кредит маҳсулотлари ва шартлари¹

<i>Кредит ёки қарз тури</i>	<i>Миқдори</i>	<i>Муддати</i>	<i>Фоиз ставкалари</i>
Шахсий эҳтиёж учун қарз	€1,500 - €75,000	12-84 ой	3.5% - 8%
Ипотека	Мулк қийматига ва қарз олувчининг молиявий аҳволига қараб ўзгаради	30 йилгача	1,5-3%, ўзгарувчан фоизли ипотека кредитлари эса 1-2% фоизгача
Автокредит	Автомашина нархига қараб ўзгаради	6 йилгача	1,5%-5% гача бўлиши мумкин, эски автомобиль кредитлари учун эса 3%-8% гача
Кредит картаси	Кредит мақсадлилиги ва кредит картаси турига қараб ўзгаради	-	Кредит мақсадлилиги ва кредит картаси турига қараб ўзгаради
Талаба кредити	Қарз олувчининг молиявий ҳолати ва контракт тўловига қараб ўзгаради	25 йилгача	Қарз олувчининг молиявий ҳолати ва контракт тўловига қараб ўзгаради

Буёқ Британия тижорат банкларининг чакана хизматлари.

Бирлашган Қироллик бутун дунё бўйлаб инвесторларни жалб қилувчи муҳим молиявий марказ бўлиб, Британия банк саноатига тақдим этилаётган

маҳсулотлар, хизматлар ва ечимлар нуқтаи назаридан ҳам, келиб чиққан мамлакатлар нуқтаи назаридан ҳам хилма-хилликни олиб келади. Инвестициялар ва хусусий банклар билан бир қаторда чакана банк иши Британия банк

¹ BNP Paribasнинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади: Буюк Британияда фаолият юритаётган 307 та банкдан 76 таси чакана банк хизматларини тақдим этади. Чакана банклар йирик филиал тармоқлари орқали корхоналар ва аҳоли вакилларига банк хизматлари, кредит олиш ва молиявий маслаҳатлар беради.

Буюк Британияда чакана банк хизмат турлари асосан қуйидагилардан иборатдир:

- автомобиль учун кредитлар;
- суғурта маҳсулотлари;
- ипотека;
- чет эл валютаси ва пул ўтказмалари хизматлари;
- кредит карталари ва кредит воситалари;
- транзакция ҳисоблари;
- жамғарма ҳисоблари;
- дебет карталари;
- кредитлар;
- бошқа маҳсулотлар.

Буюк Британиянинг энг яхши банклари ва улардаги хизматлар:

1. HSBC Holdings; HSBC Holdings - бош қароргоҳи Лондонда жойлашган Британиянинг трансмиллий банкидир. У жами активлари бўйича дунёдаги энг йирик молия институтларидан бири ва бозор капиталлашуви бўйича учинчи ўринда туради. HSBC Holdings 200 дан ортиқ мамлакат ва ҳудудларда фаолият юритади ва 466 000 дан ортиқ кишини иш билан таъминлайди. HSBC Holdings чакана банк, бизнес банк иши, корпоратив банк иши соҳаларида маҳсулот ва хизматларни тақдим этади. Банк жорий ҳисобварақлар, кредит карталари, омонат ҳисобварақлари, муддатли депозит ҳисоблари, шахсий кредитлар, автокредитлар, ипотека кредитлари, овердрафтлар, инвестиция фондлари, савдо ҳисоблари каби чакана маҳсулотларни таклиф этади. HSBC UK Bank Plc ўз хизматларини жисмоний шахслар ва компаниялар учун тақдим этади.

2-жадвал.

HSBC банкининг шахсий кредит ставкалари²

Кредитлар	Кредит олиш миқдори (£)	Минимал фоиз ставкаси	Максимал фоиз ставкаси
Шахсий кредитлар	1000 дан 2999 гача	21,90%	24,90 %
	3000 дан 4999 гача	18,90%	24,90 %
	5 000 дан 6 999 гача	7,90%	17,90%
	7 000 дан 15 000 гача	5,80%	19,90%
	15 001 дан 25 000 гача	6,70%	17,90 %
Премьер шахсий кредитлар	1000 дан 2999 гача	21,90%	24,90%
	3000 дан 4999 гача	18,90%	24,90
	5 000 дан 6 999 гача	7,90%	17,90%
	7 000 дан 15 000 гача	4,90%	18,90%
	15 001 дан 25 000 гача	4,90%	15,90%
	25 001 дан 30 000 гача	4,90%	15,90%
	30 001 дан 50 000 гача	6,90%	6,90%

Испания тижорат банклари нафақат Европа қитъасида, балки бутун дунёда чакана хизматлар кўрсатиш,

хусусан, чакана кредитлаш бўйича энг фаол банклардан ҳисобланади. Испания кучли банк секторига эга бўлиб,

² HSBC UK Bank Plcнинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

мамлакатда бир нечта йирик банклар ишлайди, жумладан:

1. Banco Santander - бу нафақат Испаниядаги энг йирик банк, балки бутун Европада чакана хизматлар кўрсатувчи йирик банклардан бири. У чакана банк хизматлари, тижорат банки ва инвестиция банки каби кенг турдаги банк хизматларини тақдим этади.

2. BBVA - Испаниядаги иккинчи йирик банк бўлиб, дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида ишлайди. У бир қатор банк хизматларини, жумладан, чакана банк кредит маҳсулотлари, активлар ва бойликларни бошқариш хизматлари ва йирик мижозлар учун корпоратив банк хизматларини тақдим этади.

3. CaixaBank - Испаниядаги учинчи йирик банк бўлиб, штаб-квартираси Барселонада жойлашган. У бир қатор банк хизматларини таклиф қилади, жумладан чакана банк хизматлари, суғурта ва инвестиция банки хизматлари.

4. Bankia - давлат банки бўлиб, 2010 йилда етти минтақавий жамғарма кассаларининг бирлашиши натижасида ташкил топган. У жисмоний шахсларга замонавий чакана банк хизматларини таклиф этиши билан ажралиб туради. Жумладан, чакана банк кредит маҳсулотлари, инновацион банк хизматлари ва активларни бошқариш.

5. Banco Sabadell - Барселона яқинидаги Сабаделл шаҳрида жойлашган ўрта катталиқдаги банк. У бир қатор банк хизматларини таклиф этади, жумладан чакана, корпоратив ва бойликларни бошқариш.

Banco Santander - Испанияда жойлашган трансмиллий тижорат банки. У 1857 йилда ташкил этилган ва ҳозирда бозор капиталлашуви бўйича дунёдаги энг йирик банклардан бири ҳисобланади. Banco Santander молиявий маҳсулотлар ва

хизматларнинг кенг спектрини таклиф этади, жумладан, шахсий ва бизнес банк хизматлари, бойликларни бошқариш, суғурта ва активларни бошқариш. Банк Европа, Лотин Америкаси ва Қўшма Штатларда сезиларли ўринга эга ва бутун дунё бўйлаб миллионлаб мижозларга хизмат кўрсатади. Сўнгги йилларда Banco Santander рақамли трансформация стратегиясини фаол равишда амалга ошироқда, маҳсулот ва хизматларини яхшилаш ва мижозлар тажрибасини яхшилаш учун технология ва инновацияларга катта миқдорда сармоя киритмоқда. Банк, шунингдек, 2050 йилга келиб қайта тикланадиган энергия лойиҳаларига сармоя киритиш мажбуриятини олган ҳолда барқарорликка катта эътибор қаратди.

Чакана банк хизматлари корпоратив ёки институционал мижозларга эмас, балки жисмоний шахсларга кўрсатиладиган банк хизматлари турини англатади. Ушбу хизматлар омонат ва чек ҳисобварақлари, шахсий кредитлар, ипотека, кредит карталари ва инвестиция маҳсулотлари каби одатий банк фаолиятини ўз ичига олади.

Умуман олганда, Banco Santander ўз мижозларига кенг қамровли чакана банк хизматларини таклиф этади, бу эса ўзларининг банк эҳтиёжлари учун ягона ойнани қидираётган шахслар учун машхур танловдир.

• Шахсий кредитлар: Бу жисмоний шахслар фойдаланиш учун олиши мумкин бўлган кредитлар, масалан, таътил, уйни таъмирлаш ёки кутилмаган харажатлар учун тўлаш.

• Кредит карталари: Кредит карталари Испанияда кенг қўлланилади ва улар жисмоний шахсларга харид қилиш ва вақт ўтиши билан улар учун тўлаш

имконини беради. Баъзи кредит карталари мукофот ва нақд пул бериш дастурларини ҳам таклиф қилади.

- Ипотека- бу уй ёки бошқа кўчмас мулк сотиб олиш учун бериладиган кредитлар. Улар одатда 20-30 йил ичида қайтариладиган узоқ муддатли кредитлардир.

- Овердрафт - бу жисмоний шахсларга банк ҳисобварағи мавжуд бўлганидан кўра кўпроқ пул олиш имконини берадиган кредит тури. Овердрафт кўпинча юқори фоиз ставкалари ва тўловларга боғлиқ.

- Кредит линиялари. Кредит линияси жисмоний шахсларга маълум чегарагача пул қарз олиш имконини берадиган кредит туридир. Қарз олувчи кредит линиясига керак бўлганда кириши мумкин ва улар фақат қарз олган суммага фоиз тўлайди.

- Автомобиль кредитлари - бу автомобил сотиб олиш учун бериладиган кредитлар. Улар шахсий кредитларга ўхшайди, лекин улар автомобиль сотиб олиш учун махсус мўлжалланган.

Ривожланган мамлакатларда бўлгани каби ривожланаётган мамлакатларда ҳам чакана хизматлар кўрсатиш, чакана кредитлаш йил сайин ўз жозибadorлигини намоён этмоқда. Шу мақсадда Осиёнинг энг йирик иқтисодиёти ва банк тизимларидан бири бўлган Ҳиндистон тажрибасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бизга маълумки, Ҳиндистон 2023 йилда расмий дунёнинг энг кўп аҳолиси мавжуд давлат сифатида эътироф этилди. Аҳоли қанчалик кўп бўлса, чакана кредитларга эҳтиёж ҳам шунчалик баланд бўлади ва уларни қондириш, чакана кредитлашни

тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳиндистоннинг энг йирик банкларидан бири бўлган Ҳиндистон Давлат Банки (State Bank of India, SBI) чакана хизматлар кўрсатиш соҳасида етакчилик қилмоқда. Банк 1806 йилда Ҳиндистон Империял Банки орқали ташкил этилган бўиб, ҳозирги кунда турли банк ва молиявий хизматларни кўрсатади ва штаб-квартираси Мумбайда жойлашган.

Ҳиндистон Давлат Банки энг паст фоиз ставкаларида кредит турларини тақдим этади ва шахсий кредитидан муддатли кредит ёки Овердрафт объекти сифатида фойдаланиш мумкин. Жисмоний шахслар ўз эҳтиёжларига қараб кредит бериш тартибини танлашлари мумкин.

Бу кредит турларининг афзалликлари рақобатбардош фоиз ставкасида бўлиб, 9,60-16,60 фоизни ташкил этади. Банк ўз мижозларига бир нечта шахсий кредит турларини таклиф қилади. Буларга қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- SBI Xpress кредити;
- SBI тезкор шахсий кредити;
- қимматли қоғозлар бўйича кредитлар;
- SBI пенсионерлар учун кредитлари;
- SBI икки томонлама имтиёзли кредити;
- автокредит;
- Ипотека кредити.

Қуйидаги жадвалда жисмоний шахслар учун кредитларнинг қайси мезонлар асосида берилишини кўриб чиқамиз.

SBIda чакана кредит бериш мезонлари³

1 АҚШ доллари=82.82 Рупия

Хизмат номи	Даромадлилик кўрсаткичи	Ёш критерияси	Кредит миқдори	Кредит муддати
SBI Xpress кредити - SBIda иш ҳақи ҳисобига эга бўлган жисмоний шахслар учун	Минимал ойлик -даромад Rs. 15000 (\$181)	Ойлик маошга эга шахслар 21-58 ёшгача	Кредитнинг минимал миқдори- Rs.25 000 (\$301); Кредитнинг максимал миқдори - Rs. 20 lakhs (\$24,151)	Минимум 6 ойдан Максимум 6 йилгача
Қимматли қоғозлар бўйича кредитлар	Таъминот асосида	Мавжуд эмас	Кредитнинг минимал миқдори Rs.50 000 (\$602); Кредитнинг максимал миқдори - Rs. 20 lakhs (\$24,151)	30 ойгача
Пенсионерлар учун кредит	Мавжуд эмас	76 ёшдан кичик фуқароларга	Кредитнинг минимал миқдори- Rs.25 000 (\$301); Кредитнинг максимал миқдори - Rs. 14 lakhs (\$16,900)	36 ойгача
Автокредит	Минимал ойлик даромад Rs. 2.5 lakh (\$3,018)	21 ёшдан 67 ёшгача бўлган жисмоний шахслар	Иш ҳақи оладиган жисмоний шахслар учун ойлик соф даромадининг 48 баробари миқдорида	7 йилгача
Ипотека кредити	Минимал ойлик даромад Rs. 25 000 (\$301)	21 ёшдан- 60 ёшгача бўлган жисмоний шахслар	Иш ҳақи оладиган жисмоний шахслар учун ойлик соф даромадининг 60 баробари миқдорида	15 йилдан 30 йилгача

SBI банкида ипотека кредити беришнинг ўзига хос мезонлари ва жиҳатлари мавжуд. Кредит муддати миқдорнинг ёшига қараб белгиланади, яъни агар миқдор 21 ёшдан 30 ёшгача бўлса, 30 йилгача кредит олиши мумкин. 30 ёшдан кейин ёшига 1 йил қўшилса, кредит муддати тескари равишда 1 йилга камаяди. Мисол учун, ипотека кредит сўраб муружаат қилган миқдор 31 ёшда бўлса, максимал 29 йилга кредит олиши мумкин. 45 ёшда бўлса, максимал 15 йилга ипотека кредити олиши мумкин.

Ҳиндистоннинг яна бир йирик банки бу Панжоб Миллий Банки (Punjab National Bank, PNB) бўлиб, чакана кредитлар тақдим этишда етакчи банклардан бири ҳисобланади. Банк Нью Дехлида жойлашган ва давлат банки ҳисобланади. Банк 1894 йил май ойида ташкил этилган ва бизнес ҳажми ва тармоғи бўйича Ҳиндистондаги учинчи йирик давлат сектори банкидир. Банкнинг 180 миллиондан ортиқ миқдори, 12 248 та филиаллари мавжуд.

³ SBIning расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Ҳиндистон банкларининг яна бир ўзига хос жиҳати банклар расмий даромадга эга бўлмаган фуқароларга ҳам кредит беришни йўлга қўйишган. Ҳиндистонда кредит олувчилар қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- расмий даромадга эга фуқаролар;
- бизнес эгалари;
- яқка тартибдаги тадбиркорлар;
- ўз-ўзини банд қилган шахслар;
- талабалар;
- пенсионерлар;
- уй бекалари.

Яни ушбу тоифага кирувчи фуқаролар учун алоҳида кредит турлари таклиф этилади.

Хулоса. Хориж тижорат банклари жисмоний шахсларга ўз эҳтиёжларини молиялаштириш ва мақсадларига эришиш учун бир қатор кредит ва кредит вариантларини таклиф қилади. Рақобатбардош фоиз ставкалари, мослашувчан тўлов шартлари ва турли хил маҳсулотларни танлаш имконияти туфайли мижозлар ўз эҳтиёжлари ва бюджетига энг мос келадиган кредит ёки кредит вариантини топишлари мумкин.

Халқаро амалиётда чакана кредитларнинг кенг тарқалган шакллари бўлиб шахсий кредитлар, кредит карталари, ипотека кредитлари, овердрафт, кредит линиялари, автомобиль кредитлари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Orazio Attanasio, Britta Augsburg, Ralph De Haas, Emla Fitzsimons, Heike Harmgart Group lending or individual lending? Evidence from a randomized field experiment in Mongolia. MPRA Paper No. 35439, posted 16 Dec 2011 23:37 UTC.
2. Мордвинцева Н.В. Розничный банковский бизнес // Вестник ОГУ №13 (119) // декабрь 2010 г.
3. Татарина Л.В., Перфильева О.О. Банковский розничный бизнес: его роль и значение в деятельности кредитной организации // Baikal Research Journal. 2017. №2. – С. 2.
4. Гончарук А.С. Институциональные аспекты развития сегмента розничных банковских услуг: дис. канд. экон. наук: 08.00.10 / Сев.-Осет. гос. ун-т им. К.Л. Хетагурова - Шахты, 2012. - 183 с.
5. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Дасрлик. -Т.: Молия, 2002 й. – 304 б.

Интернет сайтлари:

<https://group.bnpparibas/en/>

<https://www.hsbc.com/>

<https://www.bancosantander.es/particulares>

<https://www.pnbindia.in/>

<https://www.onlinesbi.sbi/>